



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 2 декабрь, № 233 (4896)

Чоршанба

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

Иқтисодиёт тармоғининг устувор йўналиши

Мамлакатимизда амалга оширилган ишлов иқтисодий ислохотлар ишлаб чиқариш соҳасининг ҳар жиҳатдан юксалтириш ва пировардида бозорни рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдириш имконини беради. Ўз навбатида, бундай хайрли юмушлар натижасида аҳоли турмуш фаровонлиги тобора юксалиб бораётгани қувонарлидир.

Айниқса, Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан иқтисодиётнинг муҳим бўлиши — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани жойларда ишлаб чиқариш соҳасининг ривожланиши ҳамда янги иш ўринлари яратилишига омил бўлаётган. Уйчи туманида ҳам ана шундай имкониятлардан оқилона фойдаланиб, ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган ишбилармонлар сафи тобора кенгайиб бораётган. Масалан, Ўнхаёт шаҳарчасида "Намимпактекстиль" масъулияти чекланган жамиятининг йиғирув фабрикаси, ғишт ишлаб чиқариш заводи ташкил этилиб, 350 дан зиёд янги иш ўринлари яратилган бўлса, қўшни Еркатай қишлоғида тадбиркор Абдухалил Акрамов ташаббуси билан "Еркатай тўқимачи" хусусий корхонаси иш бошлади. Айни пайтда бу ерда қишлоқ ёшларидан 25 нафари миллий газламаларимиз — атлас, адрас ҳамда беқасам матоларни тўқиб чиқаришмоқда.

Ислохот — Тўқувчиларимиз қўлида сайқал топаётган сержило адрасларнинг, айниқса, бозори чаққон, — дейди корхона раҳбари Абдухалил Акрамов. — Ана шундан келиб чиқиб, мавжуд ўттизта тўқув дастгоҳини тўла қувват билан ишлатган ҳолда ойига 3-5 минг погон метр ҳажмида маҳсулот тайёрлашга эришяпмиз. Бу борада хунарини санъат даражасига кўтарган Раъно Гафурова, Шоира Усмонова, Хосият Матмусаева каби чаққон қизларимизнинг ҳиссаси катта бўлаётган.



СУРАТДА: корхона фаолиятдан лавқа. Хасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Қ. НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

САЙЛОВ — 2009

Бугунги сонда газетхонларни, Марказий сайлов комиссияси тасдиқлаган жадвалга кўра, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси тақдим этган сайловолди ташвиқотида оид материаллар билан таништирамиз.

2-саҳифага қаранг.

Одатда, зарур юмуш билан ёхуд сайру саёхат қилиш мақсадида бирор олис манзилга борган инсон, аввало, ана шу ҳудуд қиёфасига, бу ердаги иморату иншоотлар, кўча хибонлар кўрку тароватига, обод ва саришталигига разм солади. Шу асосда бу ерлик одамлар яшаш тарзи, ҳаёти ҳақида маълум тасаввур ҳосил қилади.

ҚИШЛОҚЛАРГА КЎРК БЕРГАН УЙЛАР

Бугун доvon оша сўлим водининг Фарғона вилоятига қадами етган юртдошларимиз, хорижлик сайёҳ ва меҳмонлар борки, бу ердаги ўзгаришларни кўриб хайратга ошаши, шубҳасиз. Зеро, кейинги йилларда вилоятда бунёдкорлик, яратувчилик, ободончилик борасида қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, жаҳон андозларига мос кенг ва равон йўллар, мухташам иморатлар кўнглингизда ифтихор туйғуларини уйғотди.

Бу йил вилоятда маҳалла фуқаролар йиғинлари сонининг, айни пайтда янги ташкилотлар барча зарурий қурилиш, таъмирлаш баъзасига эга. 10 та йирик юк кўтариш қурилмаси, 50 дан зиёд автомашина, 25 та тулроқ қовлаш трактори, бульдозерлар улар ихтиёрида.

Неварам учун пишиқ гиштдан янги иморат тиклаш ниётида эдик, — дейди Беширқоқ туманининг Рафқон қишлоғида истиқомат қилувчи Хошимжон ака Обидов. — Қишлоғимизда пишиқ гишт тайёрлайдиган янги корхона қурилгани айни мудоао бўлди. Илгари Қўқон, Риштон, ҳатто Қувасойга ҳам пишиқ гишт ахтариб борардик. Янги корхонанинг машиналари тандиридан чиққан гишларни пешма-пеш ташиб берди. Иморатни тиклаб олдик.

Неварам учун пишиқ ниётида эдик, — дейди Беширқоқ туманининг Рафқон қишлоғида истиқомат қилувчи Хошимжон ака Обидов. — Қишлоғимизда пишиқ гишт тайёрлайдиган янги корхона қурилгани айни мудоао бўлди. Илгари Қўқон, Риштон, ҳатто Қувасойга ҳам пишиқ гишт ахтариб борардик. Янги корхонанинг машиналари тандиридан чиққан гишларни пешма-пеш ташиб берди. Иморатни тиклаб олдик.

Қарор ва ижро

Давоми 3-бетда.

Давоми 4-бетда.

1 декабрь — Жаҳон ОИТСга қарши кураш кун

Жаҳон ОИТСга қарши кураш кун муносабати билан 1 декабрь кунини пойтахтимизда «Sen yolg'iz emassan» республика жамоатчилиги болалар жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида давра суҳбати ташкил этилди.

ОИТСга қарши кураш масалаларига бағишланди

«Sen yolg'iz emassan» жамғармаси хомийлик кенгаши раиси Л. Каримова, соғлиқни сақлаш вазирлиги А. Икромов, халқ таълими вазири Ф. Шоумаров ва бошқалар иштирокида Президент Ислам Каримов раҳнамолигида тиббиёт ва ижтимоий ҳимоя соҳаларида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш, тиббий маданиятни юксалтириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидлади. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга оид давлат дастурида белгиланган вазифалар ҳаётида босқичма-босқич татбиқ этилаётгани юксак самаралар бераётган.

ҳида эътибор қаратилаётган. Ўзбекистонда ОИТСга қарши кураш миллий дастурининг ижросини ва қон хизмати хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ушбу эпидемияга қарши кураш самардорлигини янада оширишга хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 26 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишини қарши кураш самардорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борада олиб борилаётган ишлар қўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлаётган.

Юртимизда аҳолининг, айниқса, ёшларнинг тиббий маданиятини юксалтириш, ўта хавfli юқумли касалликларга оид хабардорлик даражасини янада ошириш билан боғлиқ жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилаётган. Айни пайтда ОИТСнинг тарқалишига қарши курашишга жамоат ташкилотларини ҳам кенг жалб этиш, уларнинг маҳаллий ҳокимликлар, тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлигини янада кучайтириш жуда муҳимдир.

Давоми 3-бетда.

8 декабрь — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган кун

Республика Байналмилал маданият марказида Ўзбекистон Фанлар академияси, Маънавий тарғибот маркази, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси, Дўстлик жамиятлари кенгаши ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган «Истиқлол: ислохотлар моҳияти, тараққий ва демократия» мавзусида илмий-амалий конференция ташкил этилди.

Анжуманда олимлар, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, жойларда миллий йўналишдаги ишларни мувофиқлаштирувчи кенгашлар раислари, маданий марказлар ва маҳалла фаоллари, юртимизда фаолият кўрсатаётган чет эл дипломатик корпус вакиллари ҳамда маънавий соҳа етакчилари иштирок этди.

Конференция қатнашчиларининг маърузаларида мамлакатимиз Президентини Ислам Каримовнинг «Юртимизда тинчлик ва осойишталикни асраш, қўп миллатли давлатимизда

қарор топган дўстлик ва тотувлик муҳитини мустаҳкамлаш, меҳнаткаш инсонга ҳурмат-эҳтиром, жамиятимизда миллати ва динидан қатъи назар, ҳамма учун тенг шароит яратиш — бизнинг олий мақсадимиздир», деган фикрлари яна бир бор ўз ифодасини топди.

Фуқароларнинг жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши ва эътиқодидан қатъи назар, қонун олдида тенглигини қафолатлаган, халқимизнинг барча миллат ва элзатлар тиллари, урф-одатлари ва қадриятларини ҳурмат қилишдек ас-

рий аъналарни қонун даражасига кўтарган Конституциямиз жамиятимизнинг бугунги ютуқларга эришишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга юздан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қилаётгани, 145 миллий-маданий марказ, 16 конфессияга мансуб икки мингдан зиёд диний ташкилот эмин-эркин фаолият кўрсатаётгани ана шу йўлда олиб борилаётган ишларнинг амалдаги ифодасидир. Бу юртимизда бағрикенглик, миллатларни ҳамжихатлик муҳити қарор топгани, маънавий қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш учун барча шарт-шароит яратилганидан далолатдир.

Давоми 3-бетда.

КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУНЛАР — ЖАМИЯТ ВА ШАХС МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯСИДА

Мамлакатимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 17 йиллигини нишонлаш арафасида турибди. Мазкур Конституция инсон, унинг ҳаёти, озодлиги, қадри-қиммати ва бошқа ҳуқуқларини олий қадрият сифатида тан олувчи суверен демократик давлат барпо этишнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Босиб ўтилган йўлга назар солар эканмиз, шунинг ишонч билан айтиш мумкинки, ўтган тарихий қисқа давр мобайнида мамлакатимизда конституциявий меъёрлар ва тамойилларни ҳаётга татбиқ этиш, фуқароларнинг шахсий, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини тўлиқ таъминлаш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбари Ислам Абдуганиевич Каримов томонидан илгари сурилган «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» таъминлаш борасида давлат ҳаётининг барча жабҳаларини ривожлантириш, ижтимоий йўналишда бозор иқтисодиётини шакллантириш, сиёсий ва суд-ҳуқуқ тизимларини такомиллаштириш босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида ислохотларнинг меъёрий ҳуқуқий базасини яратиш муҳим аҳамият касб этган бўлса, ҳозирги кунда олдимизда турган устувор вазифалардан бири уни такомиллаштириш ҳамда замон талабларига мослаштириш ҳисобланади.

Бунда асосий эътибор сиёсий тизимни янада ривожлантириш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустаҳкамлаш, процессуал иш юритишнинг такомиллаштириш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими ва жинсий ҳазолатни либераллаштириш, ўта хавfli жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашишни кучайтиришга қаратилмоқда.

Хусусан, жорий йилда ўндан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, уларга кўра сайловлар тўғрисидаги, жиноят, жиноят-процессуал, маъмурий жавобгарликка оид қонунчилик ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва қўллашни амалга оширувчи органлар фаолиятини тартибга солувчи бошқа бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мўлақо янги ўзгаришлар мажмуи киритилди.

2009 йил 1 июлдан кучга кирган «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ушбу йўналишда амалга оширилган ишлар сираси-

да алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур Қонунга биноан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонуничилик палатаси беш йил муддатга сайланадиган 150 нафар депутатдан ташкил топиши белгиланди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, қуйи палата депутатларининг 135 нафари умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлаш ҳуқуқи асосида ҳудудий бир мандатли сайлов округларидан кўп партиявийлик асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланадилар.

Шу билан бирга, 15 нафар депутатлик ўрни ўтган йилда мамлакатимизда ташкил этилган Ўзбекистон Экологик ҳаракатига ажратилган бўлиб, депутатлик ўринлари квоталарининг бундай тарзда тақсимланиши аҳолининг барча қатламлари манфаатларига бевосита тааллуқли бўлган табиатни муҳофаза қилиш ва фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалаларининг ўта долзарблиги билан изоҳланади.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Қонуничилик палатаси депутатлигига сайланадиган шахсларга қўйилмайдиган талаблар, ушбу ҳаракатдан депутатларни сайлаш тартиби ҳамда уларнинг парламентдаги фаолияти билан боғлиқ бошқа масалалар тартибга солинган.

2009 йил 14 январда қабул қилинган «Ижро иши юритиш таъминлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунга кўра, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро қилиш ҳақидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи меъёрлар такомиллаштирилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 198 ва 198-моддалари қардор томонидан ижро ҳужжатини узри сабабларисиз бажармаслик билан бир қаторда, қардорнинг даромадлари ва мулкларни тўғрисида нотўғри маълумотлар тақдим этиш, ижро ҳужжатини йўқотиш, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлардан ундириб қолтириш ҳақидаги ижро ҳужжатларини рўйхатга олиш, сақлаш ва ижро қилиш тартибини бузиш, шунингдек, қардорнинг янги иш, ўқиш ҳамда нафақа ва бошқа даромадларни олиш жойи ҳақида хабар қилмаслик ҳам маъмурий ҳуқуқбузарликлар қаторига киритилди.

Шу аснода Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ҳам тегишли ўзгаришлар киритилди. Ушбу кодекснинг 232-моддаси илгари суд ҳужжатларини қасддан бажармаслик ёки уларни бажариш-

да тўққинчи қилиш учун фақатгина мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини назарда тутган бўлса, мазкур модданинг янги таҳририга кўра, ҳар қандай шахс суднинг маълум ҳаракатларини содир қилиш ёки қилмаслигини юқловчи ҳужжатларини маъмурий жавобгарликка тортилганидан сўнг бажармаслиги ёки уларни бажаришга тўққинчи қилиш жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Маъмурий жавобгарликка оид қонунчиликка киритилган янги меъёрларни қўллаш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти ва унинг ҳудудий тармоқлари ваколатига киритилганлиги алоҳида аҳамиятга эгадир. Бундан ташқари, Суд ижро департаменти бундан буён воёга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни ва ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш, суд қарорини бажармаслик, шунингдек, бундан солинган мол-мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этиш билан боғлиқ ишлар бўйича суриштирув органларининг ваколатларидан фойдалангани.

Давоми 3-бетда.



Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (ЎзЛиДеП) 2003 йилда Ўзбекистондаги сиёсий майдонга чиққан энг ёш сиёсий партиядир. Яқинда, яъни 15 ноябрда партияни тўзғилганининг олти йиллигини нишонлади.

ЎзЛиДеП сиёсий майдонга мулкдорлар синфи, ишбилармонлар — хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес вакиллари, фермерлар, моддий ва интеллектуал мулк эгалари, ишлаб чиқариш ва бошқарув мутахассисларининг манфаатларини фоида этувчи ва ҳимоя қилувчи ҳамда жамият ҳаётининг барча баҳаларини давлат, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш орқали либераллаштириш тарафдори бўлган сиёсий ташкилот сифатида кириб келди.



Пировард мақсади эркин фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этишга йўналтирилган демократик ислохотлар жараёнини фуқароларнинг юксак ҳуқуқий маданиятисиз тасаввур этиши мумкин эмас.

Ҳуқуқий онгни муттасил ошириб бориш, ҳуқуқий савия ва маданиятни юксалтириш масаласи Президент Ислам Каримовнинг нутқларида, фундаментал асарларида мукаммал асосланган. Мустақиллик йиллари мобайнида яратилган қонунлар, фармонлар ва ҳуқуқат қарорлари мазмунан барча давлат органлари, мансабдор шахслар ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва сиёсий - ҳуқуқий маданиятини шакллантиришга хизмат қилиб келмоқда. Айниқса, Олий Мажлис томонидан 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури» мазкур масаланинг мустақим пойдевори.

Ўзбекистон сиёсий майдонига ЎзЛиДеПнинг кириб келиши бугунги ҳаётимиз, шиддат билан ўзгараётган давр тақозоси ва мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришларнинг талаби десак, хато бўлмас керак.

Партиянинг мақсади ва интилишини қуйидаги шор билан янада аниқ ва лўнда ифодалаш мумкин: «Бадавлат қил-шилар давлат, бу — бой ва қўли давлатдир».

Айнан шу ҳамда тадбиркорлар, ишбилармонлар ва фермерларнинг бунёдкорлик салоҳиятини жамиятимиз олди-да турган муҳим масалаларни ҳал этиш сари бирлаштириш ва йўналтиришга интилиш 2004 — 2009 йиллардаги сайловлар орқали даврида партияимиз ҳал қилишга ҳаракат қилган асосий вази-фалари белгиланди.

2004 йилдаги сайловлар натижалари бўйича парламентга энг кўп сонли фракцияга эга бўлган партияимиз қўйи пала-тада «Демократик блок» ташкил этишнинг ташаббускори бўлди, бу эса Қонунчилик палатасида қарорлар қабул қилиш жараёни-ни фаол таъсир кўрсатиш имконини берди. Бунинг натижасида партия фракцияси ва «Демократик блок»га кирувчи сиёсий партиялар фракцияларининг бевосита ишти-рокида жамиятимиз ҳаётининг барча соҳа-ларини камраб олувчи 200 дан ортиқ қонун-лар қабул қилинди. Уларнинг 60 дан зиё-ди бевосита тадбир-корлик ва фермерлик-ни ривожлантириш бил-ан боғлиқлигини таъкидлаш зарур.

ЎзЛиДеП депутатлари барча даража-ларда тизимли равишда қабул қилинган қонунлар бажарилишини назорат осиг-га олиб, таҳлил қилдилар. Бундай иш-лар натижалари фракция аъзоларининг мўъайян ташаббусларида, Ўзбекистон Республикасининг қатор қонунчилик ҳуж-жатларини тақомиллаштириш бўйича тақдирларида намён бўлди.

Партия ва унинг парламентдаги фрак-цияси янги таҳрирдаги Солиқ кодекси қабул қилинишида фаол иштирок этди, унга кўра кўплаб ҳужжатлар, турли йўриқнома ва меъёрий талаблар бекор қилинди. Солиқ тўлаш тизими, уларнинг тузилмаси янада аниқ ва тушунарли бўлди. Солиқ юқининг қамайтирилиши муҳим аҳамият касб этди. Кичик биз-несс соҳасига оид қўшимча имтиёзлар берилди.

Давлат томонидан бундай кўлаб-қув-ватлаш ва ривожланишнинг рағбатлан-тирилиши тўғрисида кичик ва хусусий биз-несс мамлакатимиз иқтисодийётида сал-моқли ўрни эгаламоқда, бозорни зар-рур товарлар ва хизматлар билан тўлдир-ишнинг асосий манбаига айланмоқда, аҳоли бандлиги ва унинг турмуш дара-жасини юксалтиришга кўмаклашмоқда.

Ушбу даврда партия жамиятимизда катта қизиқиш уйғотган муҳим аҳамият-га эга бўлган қатор ташаббусларни ил-гарти сурди. Жумладан, 2005 йилда партия ўзининг дастурий мақсадлари-дан келиб чиқиб, Ўзбекистон Фермер ҳўжалиқлари уюшмасининг гоъий-й-таш-килий бошқарувида иштирок этди. Бу-гун ушомма фермерларнинг ишончли кўмакчисига айланган ва қишлоқ мулк-дорларига бозор инфратузилмаси суб-ъектлари тармоғини яратиш, қишлоқ ҳўжалиғи махсулотларини қайта ишлаш-га иҳтисослаштирилган қорхоналарни ривожлантириш, уларни замонавий тех-ника ва технологиялар билан таъмин-лаш борасида ҳар томонлама ёрдам кўрсатмоқда.

Партия ташкил топган дастлабки қун-лариданқоқ нодавлат нотижорат ташки-лотлар (ННТ) билан ишлашга алоҳида эътибор қаратди. Бунда ЎзЛиДеПнинг қарши жамиятда қўли ННТлар мавжуд-лиғи аҳолининг иқтимоий фаоллиғи, сиёсий маданияти ва мустақил фикри ошишига, ўз имкониятини ва салоҳия-тидан самарали фойдаланишлари, ай-ниқса, мамлакатни ислох қилиш ва мо-дернизациялаш, жамият ҳаётининг бар-ча соҳаларини либераллаштириш ва де-мократлаштириш бўйича кенг қамровли вази-фаларни амалга ошириш жараёни-да нийҳатда муҳим эканлигиндан келиб чиқди.

Мазкур масалаларда партиянинг ин-тилишини ўрганишдаги ақсарият но-давлат нотижорат ташкилотлар билан қўли бўлиб, бу улар ўртасида фаол ҳам-корлик учун пухта замин яратди, ННТларнинг жамиятни либераллашти-риш ва демократлаштириш жараёни-ридаги иштирокини янада кенгайтири-шнинг кўлаб-қувватлаш хоҳиши ЎзЛиДеП-ни қатор ННТлар ташаббусини кўлаб-қувватлаш ва Ўзбекистон Нодавлат но-тижорат ташкилотлари миллий ассоци-ациясини ташкил қилишга ҳар томонла-ма ёрдам беришга ундади.

ЎзЛиДеПнинг Қонунчилик палатаси-даги фракцияси аъзолари ташаббуси бил-ан «Нодавлат нотижорат ташкилотла-ри фаолияти кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши, ННТ ва фу-қаролик жамиятининг бошқа институ-ларини кўлаб-қувватлаш Жамоат фон-ди маблагларини бошқариш бўйича пар-ламент комиссиясининг ташкил этили-ши мазкур йўналишдаги муҳим қадам бўлди.

Албатта, режалаштирилган ишлар-нинг барчаси ҳам ўтган давр мобайни-да амалга оширилди, дея олимпиад, кўлгусида бажарилиши лўзим бўлган вази-фаларимиз бисёр.

Бўлажак сайловлар сиёсий партия-ларнинг юксалиб бораётган иқтимо-ий-сиёсий фаоллиғи, соғлом партия-лараро рақобат шароитида ўтади. Бун-га кўп ҳижатдан «Давлат бошқару-вини янгилаш ва янада демократлашти-риш ҳамда мамлакатни модернизация

қилишда сиёсий партияларнинг роли-ни қўчайтириш тўғрисида»ги Консти-туциявий қонун изчил амалга ошири-лганлиғи ўз таъсирини кўрсатди. Бўл-ғуси сайловлар, шунингдек, мамлакат-имиз сайлов қонунчилигининг янада ли-бераллашуви ва тақомиллашуви шар-оитида ҳам ўтади. Ўзбекистондаги сиё-сий партиялар ўз платформалари ва устуворликларидан қатъи назар, жи-дий сиёсий таъриба тўпладилар, бу эса, шўбҳасиз, бўлажак сайловлар-да, бу эса, ақсини тоғади. Мазкур сай-ловларга биз айнан мана шу воқе-ликларни ҳисобга олган ҳолда ёндашдик.

Аммо ЎзЛиДеП ҳам 2004 йилдаги парламент сайловларида янги партия сифатида бўлса-да, лекин етарлича му-ваффақият билан илк бор иштирок эт-ган илгариги сайлов қатнашчиси эмас, балки мўъайян таърибага эга, ўз элек-торати ва аҳолининг бошқа қатламлари

таси бўлган инсонларнинг меҳнати на-тижаси эканлигини алоҳида таъкидла-моқчиман.

Уни таъйрлаш жараёнида партия электорати ҳисобланган тадбиркорлар, фермерлар, ишбилармонлар, аҳолининг бошқа қатламлари вакиллари, шу билан бирга, сиёсатчилар, иқтисодчи-лар ҳамда жамоат арбобларининг фикр-лари инобатга олинди.

Мазкур энг муҳим ҳўжатни таъйр-лаш жараёнида партиянинг асосий ва-зифаси тадбиркорлар, ўрта синф вакил-лари, фермерлар, моддий ва интелле-ктуал мулк эгалари нўқата назаридан ва-зиятни аниқлашдан иборат эди.

Ўзгаришларнинг ҳозирги босқичида бозор ислохотларини янада чўқурла-штириш, иқтисодийёт, давлат ва жамият қўрилиши, иқтимоий, гуманитар, маъ-навий-маърифий соҳаларни эркинлашти-риш ЎзЛиДеПнинг энг муҳим устувор йўналишларига кириди. Мазкур усту-ворликлардан келиб чиқиб, партиянинг сайловолди дастурида қуйидаги ҳижатлар ўзининг аниқ ифода-сини тоғди: партия ўз саъй-ҳаракатларини хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес улу-шини ошириш ва ўзбек халқи фаровон-лигини юксалтиришга қаратишни изчиллик билан давом эттира-ди. Хусусий секторга қишлоқ ҳўжалиғида кўрсатилаётган ҳиз-мат турларини кенгай-тириш учун зарур шар-оитларни яратишга, мамлакатни модерни-зациялаш ва аҳоли бандлигини ошириш

АНИҚ МАҚСАДЛАРГА АНИҚ РЕЖАЛАР БИЛАН

орасида ҳам тарафдорларига таянади-ган сиёсий қўчидир.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенга-шларига сайловлар бўйича сайлов кампанияси бошланганлиғи эълон қилинганлиғи муносабати билан шу қун-ларда ЎзЛиДеП марказий ва ҳудудий ту-зилмалари сайловларда партия ташки-лотларининг фаол қатнашшини таъмин-лашга қаратилган ишларни амалга оширмоқда.

Партиянинг марказий ва вилоятлар, туманлар (шаҳарлар) даражаида сайловолди штаблари тузилди, партия матбуот марказининг самарали фаоли-ятини ташкил қилиш борасида чора-тад-бирлар бажарилди, Марказий сайлов ко-миссиясининг парламент сайловларида сиёсий партиялар иштирокига оид қа-лендер режасига мувофиқ тегишли тад-бирлар ўтказилди.

Бундан ташқари, ўтган давр мобай-нида партиянинг имиджи ва вази-фаларига мос ҳамда мазкур сайловларда қўлланилиши мумкин бўлган замонавий сиёсий ҳамда ахборот технологиялари ўрганиб чиқилди ва танланди. Уларни би-ш бўлажак сайловларда қўллашни ре-жалаштирмоқдамиз. Лекин шўни алоҳи-да таъкидламоқчиманки, партия томон-идан бу йилги сайловлардаги иштиро-қи доирасида амалга оширилаётган бар-ча ташкилий ва бошқа тадбирлар аниқ белгиланган ва мамлакатимиз сайлов қонунчилиғи ҳамда Марказий сайлов ко-миссиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вило-ят, туман ва шаҳар Кенгашлари сай-ловига тайёрларлик қўриш ва уни ўтказ-иш бўйича Концепциясига мувофиқ ўтказилмоқда.

Жорий йилнинг 8 ноябрида ЎзЛиДеП-нинг V Съезди бўлиб ўтди. Партиянинг барча ҳудудий ташкилотларидан 300 дан зиё-д делегат иштирок этган съезд иши-да асосий масалалар сифатида партия-нинг мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги бўлажак бош сиёсий воқеа — шу йил декабрь ойида қонунчилик ва ҳокими-ятнинг вакиллик органларига сайловлар-да фаол қатнашиш, ЎзЛиДеПнинг кенг қамровли иштирокининг сиёсий ва маф-куравий асоси бўлган партия сайловол-ди платформасининг асосий устуворлик-ларини тасдиқлашга оид масалалар қўриб чиқилди.

Съездда, шунингдек, сайлов ҳақида-ги қонунчиликка мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчи-лик палатаси депутатлиғига ЎзЛиДеП-дан қўрсатилган номзодлар рўйхати тас-диқланди.

Асосий партиявий анжуман делегат-лари танқидий ва ҳолисона рўқда ЎзЛи-ДеПнинг ҳўсбот давридаги фаолияти-ни таҳлил қилдилар.

Жумладан, партиянинг мамлақати-мизда тизимли, изчил ва босқичма-бос-қич ўзгаришларни амалга оширишдаги фаол иштирокини таъкидлаган ҳолда, барча мавжуд имкониятлардан фойда-ланилаётгани, дастурий вази-фаларни илгарти сурдиш ва партия электорати маф-фатларини ҳимоя қилиш борасида фой-даланилмаган катта захира мавжудлиғи таъкидий рўқда таъкидлаб ўтилди. Съезд иштирокчилари асосий эътиборни йил-нинг иқтимоий аҳамиятга эга лўйиҳалар-ни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш зар-урлиғи ҳақидаги масалалар қаратдилар. Чўки иқтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотларни жадал амалга оширишни ўз зиммасига олган партиядан унинг та-рафдорлари айнан шўндай масўлият-ли ёндашувини кўтмоқдалар.

Съездда партия кадрларни фақат ҳокимиятнинг вакиллик органларига қўрсатиш билан чекланиб қолмаслиғи лўзимлиғи таъкидланди. Олдимизда ижро ҳокимияти органларининг ҳам са-марали фаолиятини таъминлашда зарур бўлидиган кадрлар захирасини шакллан-тириш бўйича катта ишлар турбиди.

Съездда ЎзЛиДеПнинг сайловолди дастури қабул қилинди.

Партиянинг сайловолди дастури — бу узок вақт давомида кўлаб юқори ма-лакали мутахассислар, ўз ишининг ус-

нинг муҳим омили сифатида ишлаб чи-қариш ва иқтимоий инфратузилмани янада ривожлантиришга алоҳида эъти-бор қаратилди.

ЎзЛиДеП тадбиркорлар, фермерлар, мулкдорлар ва партия электоратининг бошқа вакиллариини ҳимоя қилишга доир ҳўқуқий база ва механизмларни тақо-миллаштириш борасидаги ишларни давом эттирди.

Партия фуқаролик жамияти институ-лари ролини янада ривожлантириш ва ошириш, уларнинг ҳўқуқ ва ваколатла-рини мустақамлаш, жамиятдаги мавқеи ва обу-р-эътиборини юксалтириш ҳамда оммавий ахборот воситаларини амалда «ўртинчи ҳокимият»га айлантиришга алоҳида эътибор беради. Партиянинг энг муҳим устувор мақсадларидан бири — бу матбуот эркинлигини таъминлаш, унинг роли, таъсирчанлигини янада қў-чайтиришдир. Зеро, ОАВ ҳар доим дўнўда ва мамлакатимизда рўй бераёт-ган воқеаларга ҳаққоний ва ҳолисона му-носабатини билдирсин, доимий ишла-нишда бўлиб, аниқлиқка интиلسин.

Аҳоли турмуш даражаси ва сифати-ни ошириш, иқтисодийётнинг барқарор ўсиши ҳўсбига иқтимоий дастурларни амалга оширишни давом эттириш партиянинг иқтимоий сиёсат борасида-ги устувор йўналишларига кириди. Ушбу масалада партия инсонларнинг тафак-курини ўзгариштишга интилади, бунда у соғлом прагматизм, ташаббускорлик, ўз фаровонлигини мустақил равишда оши-риш истағига асосланиши керак. Партия, шунингдек, бизнеснинг иқтимоий масъ-улиятини доимий равишда ошириш заруратидан ҳам келиб чиқади.

Партиянинг сайловолди дастурида, шу билан бирга, мавжуд захиралардан фойдаланиш, махсулот танқидини пас-сайтириш, ишлаб чиқаришни модерни-зациялаш ва техникавий қайта ҳижоз-лаш, экспорт салоҳиятини юксалтириш-да тадбиркорлик тузилмаларини янада рағбатлантириш бўйича чоралар ишлаб чиқилишини назарда тутувчи 2009 — 2012 йилларга мўълажалланган Инқироз-га қарши чоралар дастури иқтисоддаги партия иштироки масалаларига ҳам ало-ҳида эътибор қаратилган. Бунда мазкур жараёنларни молиялаштириш тўлиқ дав-лат зиммасига юклатилиши керак эмас. Партиянинг нўқата назарига кўра, ин-новацияларни яратиш ва ишлаб чиқар-ишга жорий этишни молиялаштиришга тадбиркорлик ва бизнес соҳаси молия-вий маблагларини йўналтириш зарур. Бу Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган мақсад ва вази-фаларни амалга ошириш имконини беради.

Сайловолди дастурида партиянинг бошқа устувор йўналишлари ҳам белги-ланган. Улар, жумладан, мамлакатда барқарорлик, тинчлик ва фаровонлиқни таъминлаш, Ўзбекистонда иқтисодийёт, давлат ва жамият қўрилиши, қўли фуқаролик жамиятини шакллантириш соҳасида олиб борилаётган либерал-лаштириш ва демократлаштириш бўй-ича кенг қамровли ислохотларни давом эттиришга қаратилган.

Бугун партиянинг муҳим вази-фаси — унинг тарафдорлари манфаатларини қўнчилик ва давлат ҳокимияти вакил-лик органларида қўнчилик ўринларини қўлга киритиш, дастурий вази-фаларни амалга ошириш, шунингдек, Ватанимиз ва халқимизнинг бугунги ва эртанги қун-ига алоқадор масалаларни тегишли қонун ва қарорларни қабул қилиш нати-жасида ҳал этиш орқали ҳимоя қилиш-дир. Бу мақсадга партиянинг барча таш-килотчилик ва интеллектуал салоҳияти йўналтирилди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати номзодларига овоз берар экансиз, мустақил Ўзбекистоннинг янада гуллаб-яшнашини таъмин-лашга ва ҳар бир фуқаронинг тур-муш фаровонлигини оширишга қаратилган аниқ вази-фаларни ҳал этишга қўдир бўлган партияни қўллаб-қувватлайсиз!

Бахтиёр ЯКУБОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси.

«Юксак ҳўқуқий маданият, — дейила-ди Миллий дастурда, — демократик жа-мият пойдевори ҳамда ҳўқуқий тизим етуқлигининг ифодасидир. ...У жамият-даги турли хил ҳаётий жараёнларга фаол таъсир кўрсатувчи, фуқароларнинг, бар-ча иқтимоий гуруҳларнинг жиқслашуви-га кўмаклашувчи, жамиятнинг яқлитлиғи ҳамда батариблўлигини таъминловчи ва мустақамлови омилидир». Инсонлар он-гда шўндай ишон қарор топиши му-ҳими, унга кўра, ҳўқуқий билимларга эга бўлган ва уларни амалиётда татбиқ эта оладиган кишигина маданиятли ва билимли деб ҳисобланиши мумкин. Зеро, жамият ва давлат тараққийёти-нинг ҳозирги модернизациялаш босқичи тур-ли иқтимоий муносабатлар иштироки-ларининг ҳўқуқий маданиятини, ҳўқуқий саводхонлигини ҳар томонлама юксал-тиришни тақозо этмоқда. Ҳўқуқий мада-ният ҳўқуқий билим, ҳўқуқий эътиқод ва изчил амалий фаолият мажмуи сифатида жа-мият ҳамда давлат ол-дида турган вази-фаларнинг муваффақият-ли хал этилишига са-марали хизмат қилиши шўбҳасиздир.

Мамлакатимизда ҳўқуқий маданиятни шакллантириш ва юксалтириш соҳасидаги давлат сиёсати — ин-сон ҳўқуқлари ва эр-ки нли қларининг устуворлиғи, Конститу-ция ва қонуннинг ус-тунлиғи, демократик кадриятларга содиқ-лик, иқтимоий адолат, тарихий ҳўқуқий ме-росга ворислик,

ҳўқуқий ахборотнинг ҳамма учун очик-лиғи, ҳўқуқий тарбия ва ҳўқуқий таъ-лимнинг бирлиғи каби бир қатор за-миндор тамойилларга асосланади.

Демократик ислохотлар йўлидан жа-дал одимлаб бораётган мамлакатимиз парламент ва маҳаллий кенгашларга сайловлар арафасида турибди. Мазкур сайловлар 2009 йил 27 декабрда бўлиб ўтади. Демократик ривожланишнинг му-ҳим талаби — эркин ва адолатли сай-ловлар ўтказиш жараёни фуқароларнинг онглиғи ва юксак ҳўқуқий маданияти-га таянишидир. Сайловлар жараёнида ҳўқуқий маданият ўзининг барча қирра-лари билан намён бўлади.

Бўлажак сайловлар истиқлол йилла-ри мобайнида ҳўқуқий давлат ва фуқаро-лик жамиятини барпо этиш борасида орттирган таърибамизни баҳоловчи, де-мократик тамойиллар ҳаётимизга чўқур кириб бораётганлигини, фуқароларимиз сиёсий-ҳўқуқий онги юксалиш даража-сини синондан ўтказувчи ўзига хос им-тиҳондир. Ушбу синон мезонини эса де-мократик сайловлар мазмуни, рўқи ва шакли шамолийликни ақ эттирувчи янги-ланган сайлов қонунчилиғимиз ташкил этган.

Кўп партиявийлик ва мўқобиллик асо-сида ўтказиладиган сайловларда ишти-рок этувчи сиёсий партиялар фаолият-нинг кафолатлари «Давлат бошқару-вини янгилаш ва янада демократлашти-риш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг роли-ни қўчайтириш тўғрисида»ги Консти-туциявий қонун ва «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳўжатлари тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Респуб-ликасининг айрим қонунларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунларда мафассал мустақамланган. Мазкур қонунлар сайлов соҳасидаги умумийрофқ этилган халқро ҳўқуқий стандартларга тўла мос келади.

«Шу боис, бизнинг энг муҳим вази-фамиз, — дейди давлатимиз раҳ-бари, — қабул қилинган қонунларимиз-га, эътироф этилган талабларга, демок-ратик андозларга қатъий риоя этишни таъминлашдан, демократиянинг бош та-лаби бўлиши эркин сайловларни муно-сиб ташкил қилишдан иборат».

Сайлов жараёни ҳўқуқий маданияти-нинг ўзгани сайлов ҳўқуқи тамойилла-ри, сайлов кампаниясининг ташкилий-технологик асослари, сайлов жараёни катнашчиларининг фаолиғи ва ақлий са-лоҳиятини рўёбга чиқариш ҳамда улар-нинг маданий-маънавий кадриятлар бил-ан ҳамхўжчилиғига эришиш, халқнинг хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш ва жамоатчилик фаолиятининг самаралили-гини таъминлаш усулларни ташкил этади.

Сайлов фуқароларининг муҳим консти-туциявий-сиёсий ҳўқуқини амалга оши-ришни таъминловчи вазифа, айни вақт-да, ўта масъулиятли жараёндир. Шу боис бу жараён мамлакат миқёсида узоқ-лик, вази-млик, баҳамжиқатлик вази-ятда, айниқса, юксак маънавий-маданий савияда ўтиши лўзим.

Сайлов кампанияси давомида намён бўлувчи ҳўқуқий маданият аввало, сайловчи-фуқароларнинг ҳўқуқий мада-нияти қолаверса, депутатликка номзод-ларнинг ҳўқуқий маданияти, сайлов таш-килотчиларининг ҳўқуқий маданияти, сайлов ҳўжатларининг ҳўқуқий мада-нияти қондаларига мослиғи даражаси, сайловчи ахборотлаштириш маданияти, сайлов кампанияси иштирокчиларининг ҳўқуқ ва бурчларига риоя қилиш мада-нияти, Марказий ҳамда олоқта сайлов комиссиялари ўртасида алоқа мадания-ти тарзида майдонга чиқади.

Сайловчилар ҳўқуқий маданиятининг муҳим ҳижати шўндаки, сайловлар ҳар бир сайловчи учун чўқур идрок, теран тафаккур ва билимдонлик синови экан-лигини ҳис қилган ҳолда, одиллик, ҳўқонийлик ва масъулият билан сай-лов унчаларидан яратилган барча им-кониятлардан оқилона фойдаланишдан иборат. Бу борада юзакчилик, бепар-

волик, лоқайдлик ва сохталикка асло ўрин бўлмаслиғи, ақсинча, ҳар бир фу-қарода Ватан тақдирини унчун масъуллиқ, ислохотларга дахлдорлик ҳисси жўш уриб турмоғи лўзим.

Ҳозирги қўнга келиб сиёсий партия-лар, шу жумладан, Ўзбекистон Халқ де-мократик партияси депутатликка ўз ном-зодларини қўрсатиши ва улар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинди. Сайлов жараёнининг эндиғи босқичи сайловолди ташвиқотини олиб боришидир. Депутатликка номзод унинг номзодини қўрсатган сиёсий партиянинг келгуси фаолият дастурини тарғиб қила-ди. Номзодлар сайловолди ташвиқоти-да кураши олиб борар экан, сайловчи-ларга ва ўз «рақибларига» нисбатан кат-та ҳўрмат ҳамда юксак маданий муно-сабатда бўлиши, халқимизга хос одоб қондаларига риоя этишлари лўзим.

Ташвиқотнинг сайловчиларга бепул

Сайловларга тайёрларлик қўриш ва уни ўтказиш жараёнида сиёсий партия-лар фуқароларнинг иқтимоий-сиёсий фаоллиғи, ҳўқуқий савияси ва мадания-тини юксалтиришга йўналтирилган қат-та ташвиқот-тарғибот ишларини олиб боради. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг бу борада ўз электорати фаоллиғи ва сайлов маданиятини оши-ришга оид кенг қўламадаги ташкилотчи-лик, мафқуравий, маънавий-тарбиявий ишларни олиб бораётганлиғи алоҳида эътиборга сазовордир. Ўзбекистон Халқ демократик партияси маҳаллий ва бош-ланғич ташкилотлари бу йилги сайлов кампанияси бошланғандан бунён бутун электоратни камраб олувчи семинарлар, давра суҳбатлари, урчушувлар, теле-ва радиомуюлотлар ҳамда бошқа маъри-фий-маданий тадбирлар ўтказди. Ушбу тадбирлар давомида партия сўл сиёсий платформасининг мазмуни-моҳияти, унинг сиёсий мафқураси асосий мазмуни ва аҳамияти сингари ма-салаларни тушунти-риб беришга катта аҳамият берибди.

Партиянинг маҳал-лий, минтақавий таш-килотлари аҳолини партиянинг дастурий мақсадлари ва сай-ловолди платформа-си билан таништириш баробарида муҳим умумдавлат иқтимоий дастурларнинг асо-сий мазмунини тушун-тириб бермоқдалар. Маҳаллий ташкилот-лар ва уларнинг ҳўзу-ридаги тарғибот гу-руҳлари мамлакатни

ЮКСАК ҲЎҚУҚИЙ МАДАНИЯТ — ДЕМОКРАТИК САЙЛОВ ОМИЛИ

ёки имтиёзли шартларда товарлар бе-риш, хизматлар қўрсатиш (ахборот хиз-матлари бундан мустасно), шунингдек, пул маблаглари тўлаш билан қўлиб олиб борилиши таққиланади. Юртбошимиз ташкилоти билан айтганда, «Депутат бўлишни истаган одам, аввало, ҳал-лоқлиғи, маънавий етуқлиғи, теран би-лим, қўбилғи, эл-юрт манфаатини шахсий манфаатидан устун қўйиш каби хусусиятлари билангина сайловчилар-нинг ишончига сазовор

Глобаллашув даврида бошқа соҳалар қатори фазони тадқиқ қилишга бўлган қизиқиш ҳам анча ошди. Ой, Марс, Меркурий каби самовий jismlарга оид сўнгги маълумотлар, фотосуратлар, янги авлод космик кемаларининг синовдан ўтказилиши каби жараёнлар фикримиз тасдиғидир. Албатта, бундай хатти-ҳаракатлар инсониятнинг тараққиёт йўлидаги интилишлари, дея баҳоланади. Бироқ, ўз навбатида, уларнинг табиатга салбий таъсир ўтказиши мумкинлиги ҳам бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

ортади ва атроф-муҳитга катта зарар етказиши, дейди кўзга кўринган олимлардан бири Г. Чернявский. Шу ўринда яна бир муҳим жиҳатга эътибор қаратиш лозим. Ерданга ҳаёт учун катта аҳамиятга эга бўлган озон қатламининг

космосдаги сунъий чиқиндиларни бўлақларга бўлиш, сўнгра уларни идишларга жойлаб, орбитадаги махсус эритувчи заводларга жўнатиш. Шунингдек, юпка металл пардадан ясалган ўзига хос тўрларда уларни "қармоққа тушириш" ва йиғилган чиқинди-

лашиб қолган зарарли қолдиқлар Ерга тушиш йўлида атмосфера қатламлари орасида ёниб, йўқ бўлиб кетади. Бошқа бир усул "лазер нурлари билан ишлайдиган супурги" номини олган. Бундай тозалагичлар ёрдамида Ер ўқи атрофи, хусусан, Халқаро космик станция худудидаги 1—10 сантиметр катталиқ зарарли парчалар супуриқ ташланади.

Ҳозирча кўпчилик томонидан энг арзон ва хавфсиз дея "термодро печи" ёрдамида керамиз лаш-лушларнинг Кўёш нурлари йўқ қилиниши айтилмоқда. Бунинг учун йиғилган чиқиндиларни орбит олган космик аппаратлар Кўёшга яқинлаштирилади ва ёндириб юборилади.

Бундан бир неча йил олдин космосга оид халқаро қонуқчиликка бағишланган Вашингтон шартнома-футурологларнинг башоратида караганда, агар космик кемалар, сунъий йўдошларнинг учирлиши тўғрисида қўйилган чекловлар эълан қилинганда, космосга оид чиқиндилар миқдорининг ҳаддан ташқари кўпайиб кетиши оқибатида яқин космосга парвоз қилиш имконияти йўқотилади. Бир қатор тадқиқотчилар бундай локалликни кечириб бўлмас хато, деб баҳолаётдилар. Уларнинг фикрича, бу борада, энг аввало, экологик қонуқчиликни такомиллаштириш, мустакил эколог-экспертлар фикрини инобатга олиш, космосни ўрганиш соҳасида жамоатчилик назоратини ўрнатish зарур.

ТАДҚИҚОТЛАР ТАРАҚҚИЁТГА ФойДА

БМТнинг Низомига асосланиб тузилган келишувда космос "инсониятнинг мулки" дейилган. Бу, ўз ўрнида, "фазо маълум давлатлар томонидан ўзлаштирилмаслиги керак", деган концепцияга асос бўлди. Ҳужжатда самони ўрганишда барча мамлакатлар тенг ҳуқуқли экани ва бу йўлда талаб қилинадиган маъсулият ҳамда чекловлар белгилаб қўйилган.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, космик худудда 1958 йил августидан 1962 йил ноябригача 1 килотоннадан 1,5 мегатонгача қувватдаги ядро қуроллари синовдан ўтказилган. 1961 йилнинг октябидан 1962 йил ноябригача амалга оширилган 4 та тажрибанинг ядро заряди 300, 800 килотонна ва яқунга келиб 1 мегатонналик кўрсаткичга етган. Бундай ноҳушлик атмосфера қатламларига жиддий зарар етказди. Шунингдек, Ернинг магнит майдонидида қуонлар ҳосил бўлишига, кўплаб маншай радио ва телетармоқлар, муҳим сунъий йўдошлар, электр қуввати билан таъминловчи тизимларнинг ишдан чиқишига сабаб бўлди.

"Ҳечдан кўра кеч", деганларидек, 1967 йилда Космик худуд, шу жумладан, Ой ва бошқа самовий jismlарни тадқиқ қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича давлатлар фаолияти принципла-

ри тўғрисидаги, 1963 йилда Атмосфера, фазо ва сув остида ядро синовини ўтказишни тақиқлаш тўғрисидаги келишув ва бошқа муҳим норматив ҳужжатлар қабул қилинди. Уларда сунъий Ер йўдоши қузатуви, алоқа, навигация, картография, метеорология соҳаларида самовий макондан фойдаланиш мумкинлиги белгиланган бўлса, Ер ўқи атрофида, самовий jismlарга ядро ва бошқа оммавий қирғин қуролларини жойлаштириш, уларни синовдан ўтказиш, ҳарбий базалар қуриш ва ҳарбий тажрибалар ўтказиш каби ҳаракатлар тақиқланди. Лекин шундан кейин ҳам айримлар экологик маъсулиятсизлик "касаллиги"дан воз кечишни истамасди.

Маълумотларга кўра, Ер ўқи бўйлаб ва узоқ космосга ҳар йили оғирлиги 3 минг тоннадан ошадиган 20 мингта объект учурилади. Бунинг натижасида атмосфера қатламлари ва ундан юқори худудларда ҳам ифлосланиш даражаси ошиб бораёпти. Астрономларнинг айтишича, ердан 850—1200 километр баландликдаги худуд бу каби чиқиндилар энг кўп учрайдиган жой ҳисобланади. Космик ракета чиқиндилари ва ёқилги қолдиқларидан Ер юзининг 30 миллион гектар майдо-

ни ифлосланган. Ер ўқи атрофидаги худудда сунъий йўдошлар ва бошқа техника воситаларидан ажралиб чиққан 3000 тоннадан ортиқ космик чиқиндилар сузиб юрибди. Уларнинг орасида 10 сантиметрдан катта бўлганлари сони 10000 атрофида бўлса, майдалари 3 миллиондан ошадди. Шунингдек, ҳар йили ишлаш мuddати туаган 60 га яқин сунъий йўдош қолдиқлари Ерга қулайди.

Ачинарлиси, космик ракеталарнинг учурилиши аҳоли саломатлигига ҳам зарар етказди. Хусусан, космодром атрофида истиқомат қиладиганлар, айниқса, болалар орасида ракета ёқилгиси таъсирида захарланиш, жигар фаолиятининг бузилиши, ошқозон-ичак касалликлари, анемия каби ўйлаб турдига касалликка чалиниш ҳолатлари кузатилган.

"NASA"нинг интернетдаги сайтида ёзилишича, космосда 70-80 минг атрофида йирик радиоактив доғлар борлиги аниқланган. "Бугунги кунда чиқиндиларнинг асосий манбаси ракеталарнинг учуриш пайтидаги ҳалокатлар билан боғлиқ. Бу каби кўнгилсиз воқеалар тўғрисида 5 сантиметрдан катта бўлган чиқиндиларнинг 80 фоизи юзга келади. Ҳар йили бундай ҳалокатларнинг сони ўндан

қишлоқ хўжалиги, 11,1 фоизи саноат, 5,9 фоизи савдо ва хизмат кўрсатиш, 16,5 фоизи моддий техника таъминоти ҳамда 25,5 фоиздан ортиғи бошқа соҳаларга йўналтирилган.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида 3 милли-



емирилиши, бир тарафдан, космик парвозлар билан боғлиқлигини кўпчилигини хабари бор. Ракета учурилиши натижасида ажралиб чиқадиган водород ионосферада туйнуклар ҳосил қилса, карбонат ангидрид ҳарорат ва зичликка салбий таъсир кўрсатади.

Бугунги кунда мазкур муаммоларни ҳал қилиш учун қатор тақлид ишлаб чиқилган. Жумладан, кўёш нурларида ишловчи плазмали махсус қурилмаларда

ларни қайта ишлаш учун махсус иншоотларга юбориш каби йўналишлар илгари сурилмоқда.

Бу борада ўзига хос усуллар ҳам мавжуд. Улардан бири "космик ёмғирпўш" ясаб билан боғлиқ. Татбиқ қилиш механизми эса шундай: йиғилган соябон махсус кемада космосга олиб чиқилади ва ўша ерда ёйилади. Ҳосил бўлган 10 километр диаметрдagi "ер томи" чиқиндиларни ўзига қабул қилиб, уларнинг тезлигини камайтиради. Шундан сўнг сус-

ҚИШЛОҚЛАРГА КЎРК БЕРГАН УЙЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Дарҳақиқат, Рапқон қишлоғидаги Эгамберди Фозилов раҳбарлик қилаётган "Садини-со она Фозилова" номидаги кўп тармоқли фирма қошида ташкил этилган гишт тайёрлаш корхонаси маҳсулотларидан нафақат яққа тартибдаги уй-жой қурувчилари, балки туманининг барча қишлоқларидаги хўжалик йўритувчи субъектлар баҳраманд бўлаёпти. Бешарик шаҳридаги тиббиёт, Рапқондаги иқтисодиёт касб-ҳунар коллежлари ҳам шу ерда тайёрланган гишт гишдан бунёд этилди. Айни кунларда таъмирланаётган мактабларга, Яққа-тут қишлоғида қурилаётган касб-ҳунар коллежга гишт бу-юртима асосида пешма-пеш етказиб берилаяпти.

Таъкидлаш жоизки, ушбу қурилиш ҳам ашбисга талаб ва эҳтиёж ортиб бораётгани тўғрисида гишт заводи ўз фаолиятини янада кенгайтириш тарадду-

Спорт

«Севинч»нинг навбатдаги соврини

Болгарияда футбол бўйича аёллар ўртасида Европа кубоги ўйинлари бўлиб ўтди. Унда Қаршининг «Севинч» жамоаси Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди.

Владислав Хан шоғирдлари гуруҳдаги барча учрашувларда юз фоизлик натижани қайд этиб, биринчи ўринни банд этишди ва ярим финалда мезонлар вакили «Суперспорт» жамоасини 5:2 ҳисобида маглубиятга учратишди.

Финалда ўзбекистонлик қизларга Россиянинг «Рокада» клуби рақиби бўлди. Кескин қурашларга бой бўлган учрашув 2:1 ҳисобида «Севинч»нинг ғалабаси билан якунланди. Шу тарихи, ҳамюртларимиз Европа кубогини қўлга киритишди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.

Танлов

Ёшлар ижодига юрт тараннуми

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгашида «Қонунига итоат — ҳаётий мезёр» мавзусидаги фото ва расмлар қўриқ-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.

Конституцияимиз қабул қилинганлигининг 17 йиллиги муносабати билан ташкил этилган мазкур қўриқ-танловда тадбирнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри босқичлари ғолибларининг мустакиллик йилларида бунёд этилган иншоотлар, қадимлоқлар, халқимизнинг турмуш тарзи, аъёнларини тараннум этувчи юзга яқин ижодий иши намойиш этилди.

Танловда фотосурат йўналиши бўйича хоразмлик Шерзоҳ Сапарбоев, расм йўналиши бўйича эса сурхондарёлик Камола Жўраева ғолиб деб топилди.

М. БАЁНОВ.



Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар иқтисодиётнинг барча тармоқлари қатори аграр секторни ҳам жадал ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Натижада жойларда фермерлик ҳаракати, қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолияти қамрови янада кенгайиб, уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб бораёпти. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кенг қулоқ ёяётгани соҳадаги ислохотлар юқори самара бераётганидан далолатдир.

«Агробанк»:

КРЕДИТЛАР ЯРАТУВЧИЛИККА ЙЎНАЛТИРИЛГАН

Таъкидлаш жоизки, бундай ижобий ўзгаришларга «Агробанк» очик акциядорлик тижорат банки ҳам ўз маблағ ва хизматлари билан муносиб ҳисса қўшиб келаётди. Президентимизнинг «Агробанк» очик акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига биноан ушбу соҳаларни ривожлантиришга иқтисослашган мазкур молия муассасасининг Хоразм вилояти бошқармаси фаолияти бунга яққол мисол бўла олади.

Айни пайтда банк бошқармаси иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш ва модернизация қилишга йўналтирилган инвестициявий лойиҳаларни кредитлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда самарадорликни янада ошириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу эса, ўз навбатида, бошқарма фаолиятини кенгайтириш баробарида, миқдор билан алоқани мустаҳкамлашга асос бўлаяпти.

Жорий йилнинг ўн ойи якунига кўра, миқозлар сони 17 мингтадан ортиган ҳамда уларнинг аксарияти бевосита қишлоқ хўжалигига иқтисослашган ишлаб чиқариш корхоналаридан иборат экани эътиборлидир.

Ҳозирги кунда бошқарманинг жойларда 2 та филиали ва 74 та минибанки миқозларга замонавий, тезкор ва қафоллатли хизмат турларини кўрсатиб келмоқда. Шу ўринда Вазирлар



Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик картчалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишларга алоҳида тўхталаш жоиз. Не-

Молия муассасаларида

гаки, бугунги кунда пластик картчаларни жорий этиш нафақат молия муассасаларининг хизмат турини, балки ҳаётимизнинг кундалик заруратига айланиб улгурди. Шу босис жойларда нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини кенг йўлга қўйиш, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ушбу тўлов усулини ривожлантириш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Ана шу талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиқиб, бошқарма томонидан ўтган вақт мобайнида савдо ҳамда хизмат кўрсатиш шохобчаларига 860 та терминал ўрнатилиб, улар орқали 18 миллиард 506 миллион сўмлик нақд пулсиз ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилди. Банк пластик картчаларидан доимий фойдаланаётган миқозлар сони эса 74 мингтадан ошди.

Бошқарма жамоаси томонидан аҳолига қулай ва манфаатли омонат турларининг тақлиф этилаётгани босис бу борада ҳам юқори самарадорликка эришилаёпти. Айни кунда банкнинг жами омонатчилари сони ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 74,3 фоизга ошгани бунинг исботидир.

Ҳозирги кунда молия муассасалари томонидан ёшларнинг, хусусан, ёш оилаларнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда хизмат кўрсатилаётгани ҳам эътиборга молик. «Агробанк»нинг вилоят

ард 538 миллион сўм, маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқарилиши учун 2 миллиард 324 миллион сўм миқдорда кредитлар ажратилди. — Мамлакатимизда кейинги йилларда банк-молия тизимини такомиллаштириш борасида қурилаётган чора-тадбирлар том маънода фаолиятимизни янги босқичга кўтарди, — дейди бошқарма бошлиғи Муроджон Очиллов. — Жумладан, айни пайтда бошқармаимиз қишлоқ хўжалигида етакчи куч — фермерларнинг яқин қўмақчисига айланиб бораёпти. Ўтган даврда 110 та қишлоқ хўжалиги техникаси харид қилишлари учун уларга 2 миллиард 934 миллион сўм миқдорда кредит ажратди. Эътиборлиси, эндиликда ушбу маблағлар ўз самарасини бераётди. Яъни ер эгалари экинларига ўз техника ва технологиялари ёрдамида ишлов бермоқда. Бу уларнинг фаолиятини ривожлантириш билан бирга, қишлоқ аҳолининг турмуш фаровонлигини янада яхшилашга хизмат қилаётганидан мамнунимиз, албатта.

Хулоса қилиб айтганда, бугун «Агробанк» ОАТБ Хоразм вилояти бошқармаси нафақат агросаноат мажмуи, балки иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига ҳам намунали хизмат кўрсатиб келаётди. Бу эса, ўз навбатида, вилоят иқтисодиётининг ҳар томонлама юксалиши, муҳими, янги-янги корхоналар қурилиб, аҳоли учун муҳим иш жойлари яратилишида мустаҳкам асос бўлаяпти.

Ойбек РАХИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҚИШЛОҚЛАРГА КЎРК БЕРГАН УЙЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Дарҳақиқат, Рапқон қишлоғидаги Эгамберди Фозилов раҳбарлик қилаётган «Садини-со она Фозилова» номидаги кўп тармоқли фирма қошида ташкил этилган гишт тайёрлаш корхонаси маҳсулотларидан нафақат яққа тартибдаги уй-жой қурувчилари, балки туманининг барча қишлоқларидаги хўжалик йўритувчи субъектлар баҳраманд бўлаёпти. Бешарик шаҳридаги тиббиёт, Рапқондаги иқтисодиёт касб-ҳунар коллежлари ҳам шу ерда тайёрланган гишт гишдан бунёд этилди. Айни кунларда таъмирланаётган мактабларга, Яққа-тут қишлоғида қурилаётган касб-ҳунар коллежга гишт бу-юртима асосида пешма-пеш етказиб берилаяпти.

Таъкидлаш жоизки, ушбу қурилиш ҳам ашбисга талаб ва эҳтиёж ортиб бораётгани тўғрисида гишт заводи ўз фаолиятини янада кенгайтириш тарадду-

O'ZSANOATQURILISHBANK

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
«Ўзсаноатқурилишбанк» кенгаши сизга 2009 йил 28 декабр кун соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 3-ўйда жойлашган «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг бош идорасида банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида хабар қилади.

ЙИГИЛИШ КҮН ТАРТИБИ:

- 1. Банкнинг тақсимланмаган фойдаси ҳисобида акцияларнинг номинал қийматини ошириш орқали банк устав капиталини кўпайтириш ҳамда банк акцияларининг эмиссия рисолаларига ўзгартиришлар киритиш.
- 2. Банк уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида акциядорларга хабар бериш учун акциядорлар реестрини ёпиш санаси — 2009 йил 27 ноябрь. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестрини ёпиш санаси — 2009 йил 24 декабрь.

Банк кенгаши акциядорлар ҳамда акциядорларнинг вакилларидан йиғилишга ўз шахсларини тасдиқловчи ҳужжат, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома (жисмоний шахс вакиллари нотариал тасдиқланган, юридик шахс вакиллари ташкилот томонидан берилган ишончнома) билан келишларини сурайди.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш соат 10.00 да бошланади. Тегинли ахборот (материаллар)ни беш банкдан ва банк филиалларидан олиш мумкин.

Маълумот тартиб рақами — 07.

Акциядорлар реестрини ёпиш тўғрисида қарор қабул қилинган сана — 2009 йил 26 ноябрь. Акциядорлар реестрини ёпиш тўғрисида қабул қилган орган номи — Банк кенгаши. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида акциядорларга хабар бериш учун акциядорлар реестрини ёпиш санаси — 2009 йил 27 ноябрь. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестрини ёпиш санаси — 2009 йил 24 декабрь.

Қўшимча маълумот олиш учун телефонлар: 120-45-07, 120-36-06.

Банк кенгаши.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси жамоаси кутубхона директори Абдусалом Умарова падири бузруквори ОДИЛ отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзфармасаноат» давлат акциядорлик концерни жамоаси ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва маркетинг бўлими бошлиғи Мухтор Рўзиева онаси Танзиляхон РЎЗИЕВанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1103. 32001 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибхона 233-10-28; Эълолар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.35 Тоширилди — 03.00 123 5

ТАХРИРИЯТГА КЕЛГАН ҚУЛАЪМАЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНМАЙДИ ВА МУАЛЛИФГА ҚАЙТАРМАЙДИ. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер маркалида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғоев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

ТАХРИРИЯТ МАТЕРИАЛИ

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев. Навбатчи — К. Хидиров. Мусахҳах — Ш. Машраббоев.